

Май, 2018



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 27 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (13.677)

Баҳоси эркин нарҳда

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ ВА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель куни “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди. Асосий эътибор “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалаларга қаратилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Лекин олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий одамларнинг яшаш шароитини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмади. Бундай ҳолат ўша ҳудудлар аҳолиси эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бундай муносабатга чек қўйилиб, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича аниқ ва мақсадли тизим яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ дастури тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, жорий йилда ҳар бир туманда 2 тадан қишлоқда, кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқда кенг қўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилади.

“Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ва унинг ҳудудий штаблари томонидан жорий йилда обод қилинадиган 368 та қишлоқ рўйхати тўзилиб, тасдиқланди.

Кейинги 25 йил мобайнида намунали уй-жой қурилиш ҳисобга олмаганда, қишлоқларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш ва обodonлаштириш бўйича бирор-бир амалий иш қилинмаган, бунинг учун молиявий маблағлар ажратилмаган, — деди давлатимиз раҳбари. — Аксарият қишлоқларда кучалар, ижтимоий соҳа объектилари, ичимлик суви, электр таъминоти каби муҳим соҳалар йиллар давомида қаровсиз ва эътиборсиз қолиши натижасида ночор аҳволга келиб қолган.

Президентимиз аҳолининг уй-жой ва бино-иншоотларни замонавий меъёрларга амал қилмаган ҳолда, тартибсиз ва ўзбошимчилик билан қуриб олиши ҳам оддий ҳолатга айланганига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, қишлоқ аҳолиси “бизга шу ҳам бўлаверади”, деган фикрга кўникиб, ўзининг кўчаси, уй-жойи ва ховлисини обод қилишга умуман эътибор бермай қўйган.

Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги уй-жойлар ва инфратузилма объектилари хароб аҳволга келиб қолган Манас қишлоғида обodonлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Натижада атиги 1,5 ойда ушбу қишлоқ мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Энг муҳими, қишлоқ аҳолисининг кайфияти, турмуш да-

ражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, уларда эртанги кунга мустақам ишонч пайдо бўлди. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Ховособод қишлоғи ҳам обод қилиниб, ҳавас қилса арзийдиган ҳудудга айлантирилди.

— Манас биз учун шундай тажриба мактаби бўлдики, агар қишлоқларни замонавий масканга айлантириш, иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилаш, одамлар кайфиятини ижобий томонга кескин ўзгартиришни олдимизга мақсад қилиб, изчил ҳаракат қилсак, бунга эришни мумкинлигибга одамларни ишонтира олдик, ўзимизда ҳам ишонч ва қатъият ошди, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Обод қишлоқ” дастурини бажариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларнинг 80 фоизи давлат бюджетидан, давлат қорхоналари маблағлари ва улар жалб қиладиган хорижий кредитлар ҳисобидан таъминланади. Қолган 20 фоизи тадбиркорларнинг ўзларига тегишли бозор инфратузилмаси объектиларига сарфланадиган маблағлари ва банк кредитларидир.

Йиғилишда бу борада барча ресурс ва маблағларни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

— Хароб ва файзи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажаққа интилиши ҳам бўлмади, — деди Президентимиз. — Агар биз қишлоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфияти ўзгаради, ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш пайдо бўлади, қишлоқлар иқтисодий юксалади. Буларнинг бари Ватанимизнинг ободлиги ва иқтисодий юксалиши учун яна бир муҳим туртки бўлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари жорий йилда “Обод қишлоқ” дастури асосида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталди.

Бу йил 127 мингта уй-жойни таъмирлаш ва атрофини обodonлаштириш, 1 минг 900 километр ичимлик суви тармоғи, 850 та ижтимоий соҳа ва 2 минг 400 та бозор инфратузилмаси объектиларини қуриш ва капитал таъмирлаш, қарийб 2 минг километр электр ва 263 километр газ тармоқлари, 440 километр йўлларни капитал таъмирлаш, 470 замонавий автобус харид қилиш, 330 дан зиёд бекат қуриш ва янги қатнов йўналишлари очиб режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 3 триллион 447 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Ўтган даврда қурилиш-обodonлаштириш ишлари учун 292 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, шундан 87 миллиард сўми бевосита маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилди.

Шу билан бирга, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ажратилган маблағлар етарли эмас. Айрим ҳудудлар ҳокимлари бу масалага иккинчи даражали иш сифатида қараётгани кўзга ташланмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини молиялаштириш ўз вақтида бажарилмаётгани, шу пайтга қадар бор-йўғи 6 та қишлоқ бўйича бош режа ишлаб чиқилгани, 81 та қишлоқда обodonлаштириш ишлари бошланганини таъкидлади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятларида қишлоқларни обод қилиш масаласига етарлича эътибор берилмаётганига тўхталиб, бу ишларни тезлаштириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Кўп хондонли уй-жойларнинг умумфойдаланиш қисмларини таъмирлаш, маиший инфратузилма объектиларини жойлаштириш, атроф ҳудудини тартибга келтириш бўйича намунавий талабларни ишлаб чиқиш, ишни шу асосда ташкил этиш, барча ҳудудлардаги қурилишларга арзон ва сифатли материалларни ўз вақтида етказиб бериш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда ҳудудлардаги 336 қишлоқ болалар боғчаси, 318 мактаб, 109 оилавий поликлиника, 79 маҳалла маркази ва бошқа объектиларнинг техник ҳолатини ўрганиш, биноларнинг ташқи ва ички қисмини замонавий талаблар асосида таъмирлаш, жиҳозлаш, атрофини обodonлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллий ҳокимликларга қишлоқларда маиший хизмат комплекслари қуриш учун зарур ер майдонлари ва бўш турган бинолар ажратилишини таъминлаш, қишлоққа санoaтани олиб кириш орқали ихчам ва замонавий янги иш жойлари яратиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари обод этиладиган 368 қишлоқ аҳолиси томорқаларига сердаромад экинлар экилишини таъминлаш, хижик иссиқхоналар қурилишига амалий кўмак бериш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар топширди.

Энг муҳим масалалардан бири қишлоқлар аҳолиси маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳисобланади. Президентимиз бу борада Манас қишлоғида амалга оширилаётган ишларни мисол қилиб келтирди. Қишлоқларга адлия, ҳуқуқ-тартибот, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар вакиллари доимий равишда ташриф буюриб, аҳолининг ҳуқуқий, тиббий маданияти, билим-савияси ва маънавиятини ошириш бўйича турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб бориши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш борасидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Қўрилган масалалар юзасидан аниқ вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 2018 йил 29 апрель – 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркияга давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги сиёсий мулоқот давоми сифатида Тошкент шаҳрида кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўллари, икки томонлама муносабатларнинг янги истиқболларини белгилаш ва ривожлантиришни муҳокама қилиш режалаштирилган. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, жумладан, глобал ва минтақавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ташриф доирасида Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзга чиқади.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи банклари, компания ва фирмалари раҳбарларининг қўшма бизнес форумида ҳам иштирок этади.

Ташриф дастуринан Туркия делегациясининг Бухоро шаҳрида бўлиши ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон – Туркия муносабатлари якунида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва уни жадал ривожлантириш масалалари акс этган Қўшма баёнотни имzoлаши режалаштирилган.

Ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро турли соҳаларга оид салмоқли ҳужжатлар тўплами ҳамда қатор инвестиция келишувлари имzoланиши кутилмоқда.

Дунё Ўзбекистон ҳақида

ТАРИХИ БОЙ, КЕЛАЖАГИ ЁРҚИН МАМЛАКАТ

Ўзбекистон заминига учинчи марта келишим. Туркияда Ўзбекистонга ота юрт сифатида катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади. Ҳар гал юртингизга келганимда кенг қамровли ўзгаришларга гувоҳ бўламан.

Тошкентдан Самарқандга борганимизча кўзни қувнатадиган табиат гўзалликлари, зумрад кенгликлар, ажиб боғлар, меҳнатсевар халқингиз кўли билан янада тароватли кўриниш касб этган далавларни кўриб кўнглимиз, кўзимиз хузурланди.

Мўъжизакор юртингизда кўплаб миллат ва элат вакиллари сафида туркларнинг ҳам ягона, аҳил оила фарзандларидек истиқомат қилаётганидан бошимиз кўкка етди. Улар таълим-тарбия, тиббиёт, ишлаб чиқариш, санъат ва маданият, илм-фан, тадбиркорлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётгани эътиборга молик.

Азалдан ўзбек ва турк халқлари тили, эътиқоди, тарихи бир, тақдири туташ, қон-қариндош саналган. Атоқли ўзбек шоири, мутафаккири Алишер Навоий бизнинг ҳам даҳо шоиримиздир. Хадис илмининг султони Имом Бухорийга бизнинг юрда ҳам катта эҳтиром билан муносабатда бўлишди. Нақшбандия тариқатидаги алломалар биз учун ҳам жуда мўътабар зотлардир. Буюк Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекнинг жаҳон тамаддуни, илм-фани ривожига оид бебаҳо мероси бутун башариятнинг маънавий мулкидир. Улар мангу ором топган жойларни зиёрат этиш инсонга чексиз ҳаяжон, рўҳий сокинлик, маънавий қувват, юксалиш бағишлайди.

Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Бу жиҳатлар сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бирга чикариш, санъат ва маданият, илм-фан, тадбиркорлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётгани эътиборга молик.

Махмуд АРСЛАН, “Ҳақ иш” Туркия касабаси уюшмалари конфедерацияси президенти

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ПАВИЛЬОНИ КЎПЧИЛИКДА ҚИЗИҚИШ УЙГОТМОҚДА

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида “III Евроосий халқаро кўзгама-ярмаркаси” давом этмоқда. Халқаро кўзгама доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият намояндалари билан учрашувлар, китоб тарғиботига доир тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон миллий павильони кўзгама иштирокчилари ва ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўзгама-ярмарканинг иккинчи куни Ўзбекистон миллий павильонида “Ноширлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши; имтиёз ва преференциялар, китоб мутлоаси ва тарғиботида замонавий усуллар (“Китоб олами” маърифий мажмуаси ми-

солида)” мавзуйида давра суҳбати, “Буюк қозоқ адаби Абай Қўнонбоев ижодий мероси” мавзусида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2018 йилда chop этилган “Улан” шеърий тўплами тақдимоти ўтказилди.

Бундан ташқари, “Корме” кўзгама-лар марказининг конференциялар за-

лида Қозоғистон томонининг буюртмасига асосан тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорининг мазмуни ва аҳа-

яти” мавзусида амалий мулоқот ташкил этилди.

— Ўзбекистон миллий павильони билан танишиб, мамлакатингизда китоб тарғиботи фаол оlib борилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди “Clavis” нашриёти вакили Ирина Грибанова (Бельгия). — Турли мамлакатларда бўлганман, халқаро китоб кўзгама-ларда катнашганман. Лекин китоб тарғиботида давлат томонидан бу қадар катта эътибор берилмаган мамлакатни кўрмаганман. Нашриётимиз болалар адабиётини chop этишга ихтисослашган. Келгусида мамлакатингиздаги шундай нашриётлар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирдик.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ахборот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди

XXI сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қашқадарё вилояти Фузур туманидаги Пачкамар каналига Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ташаббуси билан секундига 300 метр куб сув чиқариш қувватига эга янги насос ўрнатилди.
- Гулистонда БМТ Яшил иқлим жамғармаси фаолияти ва у билан ҳамкорликнинг устувор масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят давлатчилик вази-

ятлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, тижорат банклари мутахассислари, тадбиркорлар, фермерлар, Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

• Бухорода ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда 13 жамоа иштирок этди. Иштирокчилар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини нечоғли англаши ва ёшларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларини кўзгама-ли тарзда намойиш этди.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан партиянинг “Обод қишлоқ” лойи-

ҳаси доирасида Шўрчи туманидаги Тўла маҳалласида “Озода ва саришталикда файзу барак бор” шиори остида тадбир ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Россияда ўтказилмайдиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг бошланғичига 50 кун қолганлиги муносабати билан Сочида денгиз сатҳидан 2064 метр балангликдаги тоғ этағида жойлашган қор босган майдонда фаройиб футбол ўйини ташкил этилди. Ушбу ўйиннинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, денгиз сатҳидан энг юқори балангликда ўтказилган футбол баҳси сифатида у Гиннесснинг Рекордлар китобидан ўрин олади.

• Польша жанубида 1940 йилда ишлаб чиқарилган, кўмир ёқилгиси орқали иш-

лайдиган паровоз қайта тикланиб, тоғли ҳудудда қатнай бошлади. Қўнча паровознинг дастлабки йўловчилари унинг юришидан ва яратилган шароитлардан қониқиб ҳосил қилганликларини таъкидлашди.

• Шарқий Англия университети олимлари тозаланган қумуш сувининг ДНК бузилишига олиб келишини маълум қилди. Тозаланиши бу усули ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ичимлик суви муаммо бўлган Африкада кенг тарқалган. Мутахассислар сувда эритилган қумушнинг таъсири ҳамда унинг ҳайвонлар организмига бирикшишни баҳоловчи кўплаб қузатув натижаларини таҳлил қилди ва бир хулосага келди. Яъни, қумуш аксарият ҳолларда генотоксик таъсирга эга бўлиб, ДНК ҳужайраларидаги молекулалар бутунлигига зиён етказилади.

Пойтахтимизда транспорт оқими йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотларига кўра, бир кунда пойтахтимизда 2 миллиондан ортиқ транспорт ҳаракати кузатилади экан. Шу боисдан ҳам жамоат транспортини тартибга солиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина жорий йилнинг биринчи чораги давомида Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича муайян ишлар олиб боришмоқда.

Биринчи чорак ақшлари бўйича 62,5 млн. йўловчи ташлиб, бу 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 млн. йўловчи кўп манзилга элтиб қўйилганлигини билдиради. Даромад ўтган йилга нисбатан 5,2 млрд. сўмга ошган. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш борасида ҳам тегишли ишлар олиб боришмоқда. Айтиш керакки, пойтахт транспортини янада ривожлантириш бўйича йўловчи ташиш қилинишига эътибор қаратилган. Мисол учун, шу пайтгача 133 та шаҳар йўналишларида тасарруф этилаётган автобусларга жами 1 350 та GPS-трекерлари ва GPS/GSM-антенналари ўрнатилди. Ҳаракат таркибининг ҳаракатини узоқдан назорат қилиш тизимидан (GPS) асосий иқтисодий самарадорликка автобус йўналишларини назорат қилиш орқали эришилди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳри йўловчиларига қўшимча қулайликлар яратиш учун ҳамда жамоат транспортини GPS-тизимининг ишлашини такомиллаштириш мақсадида мобил мосламалардан фойдаланувчилар учун "TASHBUS" ва "MyBus" мобил иловалари йўлга қўйилди. Бунда мобил фойдаланувчилари автобуснинг бекатга етиб келиш вақтини билиб олади ҳамда пойтахтнинг электрон харитасида автобусларнинг "он-лайн" режимида ҳаракатланишини кузатиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ушбу иловадан фойдаланиш имконияти Android ва Apple iOS мосламаларида мавжуд.

Сўнгги бир ярим йил давомида мамлакатимизда Имом Термизий ҳамда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Бухорода "Мир араб" олий мадрасаси очилди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш квоталари аниқ йилларга нисбатан икки баробарга оширилди.

Калом, Ҳадис, Ақида каби илмий мактаблар республикамиз бўйлаб ўз фаолиятини бошлади. 2017 йил 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг "O'zbekiston" телерадиоканалининг "Ҳидоят сари" студияси ва Тошкент Ислом университети "Зиё медиа маркази" фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Диний-маърифий соҳада амалга оширилган мазкур ислохотлар бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилиш билан бирга неча асрлардан бери ислом динига эътиқод қилиб келатган халқимизнинг диний маърифатини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашини яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Ушбу мақсадда фармонда қатор устувор вазифалар белгиланган. Жумладан, "жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилятлар азалий қадриятларимизни ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, фармонда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон ислом академияси ва Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази, олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактабининг ташкил этилиши назарда тутилган. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги "Зиё" медиа маркази мамлакатимизда диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, бой диний-илмий меросини кенг тарғиб қилишни, диний-маърифий ҳаётдаги янгиликларни жамоатчиликка етказувчи асосий медиа тузилма сифатида шакллантирилиши, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилиши белгиланган.

Ҳозирда "Электрон маълумотлар таблоси" 25 тадан ортиқ жойга, катта ҳажмдаги табло "Олой бозори" автобус бекатига синов тарзида ўрнатилган. Ушбу таблоларни бошқа бекатларга ҳам жойлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Вазирилари Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан жамият тизимидаги автобус саройлари томонидан ўрта сифимли автобусларни харид қилиш белгиланган. Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида 80 донга "SAZ LE-60" русумли автобусларнинг харид қилиниши мақсадида автобус саройлари томонидан биз-

лаштириш мақсадида Вазирилари Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги қарори дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш доирасида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖнинг 2017 йил 15 мартда 67-сонли буйруғи қабул қилиниб, Вазирилари Маҳкамасининг 129-сонли қарори билан тасдиқланган комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни бажариш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, уларга аниқ вазифалар берилди, - дейди "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бўлим бошлиғи Уткир Аюпов. - Тизимдаги 9 та автобус саройлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни

Ислохотлар оқимида ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

нес-режалар ишлаб чиқилиб, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ филиалларига тақдим этилган. Шунингдек, "Самарқанд автомобил заводи" МЧЖ билан шартнома имзоланди. Жамият тизимидаги автобус саройлари томонидан автобусларни харид қилиш учун "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ билан 50 млрд. сўмлик кредит шартномалари имзоланди.

Бундан ташқари февраль ойида Беларусьда ишлаб чиқарилган катта сифимли "MA3-203965" ва ўрта сифимли "Lotos MA3-206" автобуслари келтирилиб, бир ой мабайида синовдан ўтказилди. Апрель ойида эса Россияда ишлаб чиқарилган катта сифимли "ЛиАЗ-529267" автобуси олиб келинди ва у ҳам ҳозирда синовдан ўтказилмоқда.

"Тошшаҳартрансхизмат" АЖ томонидан бекатларни замон талабига мос равишда таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, "Жанубий вокзал", "Чилонзор 25-даха", "Қорақамийш 2/4" автобухобекатлари замонавий кўринишга келтирилди.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини бошқариш ва ташкиллаштириш тизимини янада ривожлантириш, ташишлар сифати ва хавфсизлигини ошириш, транспорт инфратузилмасининг янгилашсини таъминлаш, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳолини барқарор-

дават томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган шаҳар йўловчи транспортини воситаларини сотиб олиш тақиқланганлигини эътиборга олган ҳолда, 80 донга "SAZ LE-60" русумли автобусларни харид қилиш учун бизнес-режалар ишлаб чиқилди. Соҳада юз бераётган янгиликлар, қабул қилинаётган янги фармон ва қарорлар мазмунини йўловчиларга етказиш мақсадида шахримиздаги 120 та автобусда ўрнатилган мониторлар орқали ИИБ, ФВБ, ЁХБ, ССВ билан ҳамкорликда соҳадаги янгиликларни ёритиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган дастур бўйича 2017-2019 йиллар мобайнида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ таркибидagi автобус саройларига 350 та катта сифимли "MAN" автобусларини харид қилиш белгиланган.

Ҳа, пойтахт йўловчилари 2017 йилда жамият тизимидаги автобус саройлари томонидан 50 донга катта сифимли "Map A22 CNG" русумли автобуслари харид қилиниб шаҳар йўналишларида чиқарилган хабарлари бор.

Вазирилари Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги қароридан назарда тутилган "Йўл кира ҳақини тўлашнинг автоматлаш-

тирилган тизими лойиҳаси" бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, тизимни жорий қилиш мақсадида "Тошкент шаҳрида йўл кира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Матбуот тарқатуви" АЖ ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ билан келишилди.

Лойиҳани амалиётга жорий қилиш мақсадида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ва "Транспорт тўловларининг автоматлаштирилган тизими" МЧЖ ўртасида 2018 йил 16 январда ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Меморандумга асосан "Транспорт тўловларининг автоматлаштирилган тизими" МЧЖ томонидан 1 500 донга терминал харид қилиниб, 20 минг донга транспорт карталари дизайни ишлаб чиқилди. Лойиҳани пилот тарихида жорий қилиш учун 2018 йил 1-16 март кунлари "Транспорт тўловларининг автоматлаштирилган тизими" МЧЖ мутахассислари томонидан автобус саройларининг чиптачи, кассирлари, чиптачилари, "Тошйўловчитрансхизмат" УК мутасадди ходимлари билан транспорт карталарини сотиш, унга пул маблағларини тўлдириш, мобил валидаторлар билан ишлаш тартиби юзасидан ўқув машғулотлари ўтказилди.

Айни пайтда "2030 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳри йўловчи транспортини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда ўрнатилган тартибда тегишли инстанцияларга киритилди.

Вазирилари Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги "Автоматотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 139-сонли қарори ижросини таъминлаш ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тизимидаги корхоналар ҳайдовчилари малакасини ошириш мақсадида ҳам тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Жамоат транспортини амалга ошириш бўйича ислохотлар метро тизимида ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хабарингиз бор, бугунги кунда пойтахт тизимида метро қурилиши бўйича 3 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётди. Улар Сергели, Юнусобод ҳамда Ҳалқа йўли метро қурилиши йўналишларидир. Бу лойиҳалар аяқланганидан сўнг кўнига 400 минг нафардан зиёд йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилади. Шунинг ҳисобига йўл ҳақини сезиларли даражада қайтариш имконияти яратилади. Айни пайтда замонавий логистика тизимини йўлга қўйиш, тирбандликларнинг олдини олиш бўйича мониторинг ишлари олиб боришмоқда.

Йўлаймизки, пойтахтимизда жамоат транспортини тартибга солишга қаратилган бу эзгу ишлар келгусида ўз самарасини беради.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

АДОЛАТНИ АКСЛАНТИРУВЧИ КЎЗГУ

2017 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 16 мингдан ортиқ фуқаролик низои, 640 иқтисодий низо, 17 мингга яқин жиноят иши тарафларни яраштириш орқали тугатилди. 376 нафар шахс оқланди. 5 минг 266 шахс суд залидан қамолдан озод қилиниб, уларга озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Бу, суд инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилувчи органга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Кўриб чиқилаётган ишларнинг эллик фоиздан ортиғи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг ҳузурига бориш орқали уларга енгиллик яратиш, жараёнга кўпроқ кишиларни жалб этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишдир.

Маълумки, судда низоли ишлар кўрилади ва табиийки, низоининг тарафлари – судланувчи ва жабрланувчи, даъвогар ва жавобгар, маъмурий ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг бир-бирига нисбатан даъво-эътирози бўлади.

Яъни биргина низоининг қонуний ечимини топишнинг ўзи билан масала тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Ишдаги қайсидир томон норози бўлиб қолаверади.

Низоларни бартараф этишнинг энг мақбул ечими ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш ва ишдаги томонларга имкон қадар ҳуқуқ ва бурчларини батафсил тушунтириш, қонун йўл қўйган ҳолатларда ишнинг томонларни яраштириш орқали ҳал этишдир.

Жиноят содир этган шахсни жазолашдан мақсад эса ўлиш эмас, балки уни тўғри йўлга солиш, бошқаларга жабр етказишининг олдини олишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жазо тайинлашда, аввало, жиноятчининг тарбиялаш масаласига, жазонинг содир этилган жиноятга яраша бўлишига таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Ҳеч бир ҳолатда, ҳусусан, айби исботланмаган шахсни жазога тортишга йўл қўймаслик лозим. Чунки ноҳақ жазога тортилган шахс ва унинг оила аъзолари, яқинлари кўнглида амалдаги қонунлар ва судларга нисбатан норозилик юзага келади. Буни ҳар бир судья доимо ёдда сақлаши лозим.

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳам ўта муҳим масала. Шу боис суд томонидан иш ҳолатига ҳолис ва адолатли баҳо берилиши, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этиш, зарарнинг айбли шахс ҳисобидан қопланиши таъминланиши шарт. Шундагина адолат тўлиқ қарор топади.

Амалдаги жиноят, фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликда тарафлар ярашганлиги сабабли ишларни тугатиш институти ўз ифодасини топган. Ушбу институт имкониятларидан кенг фойдаланиш низоларни тинч йўл билан бартараф этиш, томонларнинг тинч-тотувлигини, шунингдек, низодаги ҳар икки томоннинг суд қароридан розилигини таъминлаш имконини беради.

Жиноят процессуал қонунчилиги талабига кўра, маълум тоифадаги жиноят ишлари бўйича ярашув институти қўлланилади. Фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилигида эса ҳар қандай фуқаролик ва иқтисодий низоини томонларни яраштириш орқали тугатиш мумкин бўлиб, бунда фақат ушбу келишув ишдаги бошқа тарафлар, давлат манфаатларига зид бўлмаслиги белгиланб қўйилган.

Зотан, жазолашдан кўра, кечирини, низодаги одамлар ўртасини ислоҳ қилиш, уларни яраштириш ишдаги тарафлар учун ҳам, жамият учун ҳам фойдадан холи эмас.

Айни пайтда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ярашув институтини қўллаш назарда тутилмаган. Тўхмат, ҳақорат ва енгил тан жароҳати етказиш сингари ҳар икки тарафи жисмоний шахслардан иборат бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳам ярашув институтини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда, албатта, маъмурий ҳуқуқбузар айбини тан олиб, пушаймонлик билдириши, жабрланувчи тараф билан келишиши, етказилган зарарни қоплаши каби жиҳатлар ҳисобга олиниши керак.

Зеро, айнан юқорида қайд этилган тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар асосан таниш-билишлар, оила-аъзолари, эр-хотин ўртасида содир бўлишини инобатга олсак, маъмурий жавобгарликка тортишдан қўра, яраштириш орқали иш юритишни тугатиш туфайли улар ўртасидаги эр-хотинлик, қариндошлик, қўни-қўшничилик ва бошқа ўзаро ижтимоий муносабатлар бузилишининг олди олинади.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, ҳар қандай суд мажлиси жамиятимизда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қанчалик қадриятлигини, фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқлари нечоғлик таъминланаётганини акс эттирувчи кўзгудир.

Шундай экан, судья суд мажлисини бошқаришда ўзига нисбатан ўта талабчан бўлиши, томонларга бирдай муомала қилиши, процесс иштирокчилари билан тортишувга берилишдан сақланиши лозим. Зеро, муқаддас ҳадисларда ҳам судьялик масъулияти ўта юксак экани таъкидланиб, шундай дейилган: "Қайси бирларингга қозиллик лавозимини ўташ тўғри келиб қолса, жаҳлу ғазаб келганда ҳукм чиқармасин, ҳусумат билан келганларга қарашда, уларни ўтказишда ва уларга имо-ишора қилишда баробар бўлинсин".

Судья қабул қилинган суд қарорини ўқиб эшитириш билан чекланмасдан, тарафларнинг суд қарорига нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқлари, унинг мuddати ва тартибини батафсил тушунтириши лозим. Яъни судья қонунларни изоҳлаши, тушунтириши бериши шарт.

Ҳулоса қилиб айтганда, амалдаги қонунларни инсон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда аниқ, бир ҳилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш, суд процессларини юқори савияда ўтказиш фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, адолат таъминланиши, одамларнинг одил судловга бўлган ишончи орттириши муҳим шартдир.

Холмўмин ЁДГОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари



ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ИСТАКЛАР

...Болаликдан хорижда таълим олишни, кўплаб тилларни ўрганишни орзу қилардим. Бир неча марта уриниб ҳам кўрдим, бакалавр ва магистрлик таълими даврида хорижда ўқиш насиб қилмади. Лекин умидни сўндирмасдан интилавирдим, ниҳоят 27 ёшда, докторантура бўйича грант ютдим. 2014 йили Туркиянинг давлат гранти асосида Анқарадаги Гази университети Ижтимоий фанлар институтининг Коммуникация факультетига ўқишга тақлиф қилиндим.

Уша йили октябрь ойида Анадўлу диверига яқна ўзим, ҳеч кимни танимасдан, тилни билмасдан, тўлиқ таваққал билан йўл олдим. Уқшда дунёнинг қайси давлатидан келганингизга қарамай, туркча ўрганишингиз, (агар туркчани билсангиз, имтиҳон топширишингиз) керак эди. Таълим тизимидаги яна бир ютуқ, ўқувчилар хали мактабни битирмай туриб, имтиҳон топширилади. Йиққан балларига кўра, ўқувчи қайси йўналишда ва қайси университетда ўқишга даъвогарлик қилиши мумкинлиги ҳақида тавсия берилади. Шу йўл билан чека бир қишлоқда ўқийдиган ўқувчи яқни бал йиғиб, хали ўзи кўрмаган катта бир шаҳарнинг нуфузли университети талабасига айланиши мумкин. Айтиб ўтиш жоиз, таниш-билиш, "х-варианг" деган тушунарлар иш бермайди. Йиғилган балга қараб, Таълим вазирлиги ўқувчини йўналтиради, ана ўндан кейин тақдиринг янги саҳифалари очилади. Албатта, ўшлар кўпроқ бал йиғиб, Анқара, Истанбул, Измир каби катта, таълим тизими кучли шаҳарларда ўқишга интилади.

Университетдаги дарслар интернет орқали танланади, талаба университет томонидан белгиланган маълум бир кунда мажбурий ва танлов фанларни танлайди. Ҳар семестрда талаба керакли баллини йиға олиши керак, йўқса, баъзи дарсларни келаси йилга яна ўқиши ёки ўрнига бошқа бир фанни ўқиб битириши зарур. Қисқача айтганда, талаба 4 йил давомида керакли баллини йиққунга қадар ўқиш давом эттиради. Кимдир 5 йилда, яна кимдир 6-7 йилда ҳам битириши мумкин.

Шохруҳбек ОЛИМ, Туркиянинг Гази университети Ижтимоий фанлар институтининг Коммуникация факультети докторанти ўза

Г. БОБОЕВА

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



МЕТРОДА КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодий гуруҳи томонидан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги метро йўналишларидаги бекатларда концерт дастури намойиш этилмоқда.

Ушбу лойиҳа Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

– Бу концерт ўзгача руҳда ташкил этилди, – дейди подполковник З.Бобо-жонов. – Унда миллийлик, тарихийлик, замонавийлик уйғун. Атрофдагиларнинг

қизиқиши ҳам бошқача. Бунда биз қадимий мусика асбобларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Мазкур лойиҳа доамидида йигирмадан зиёд ижодий гуруҳ аъзолари, метронинг турли йўналишларида Иккинчи жаҳон уруши йиллари воқеаларини ёдга солувчи куй-қўшиқлар ва ўзига хос рақсларни ижро этишди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

УЛУҒЛАНАЁТГАН ХОТИРА ЖАРАНГИ

Президентимизнинг жорий йилнинг 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида, мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларни юқори савияда ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, умумхалқ байрамини давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда уруш фахрийлари ва ногиронлари оилаларининг шарт-шароитларини яхшилаш, уй ва турар жойларини таъмирлаш, Мурувват, Саховат уйларига ташриф буюриш, ёши улуг ҳамда кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларни байрам билан табриклаш лозимлиги кайд этилди.

Бундан ташқари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир

катнашчиси ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир марталик пул мукофоти ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 81 нафар ҳарбий хизматчининг оилаларига икки миллион сўмдан пул маблағларини тантанали равишда топшириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактабларда Иккинчи жаҳон уруши, фронт орти меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар кўрсатган жасорат ва мардлик аҳамиятини ёшлар ўртасида тушунтириш, маданий-маърифий, ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар, “Авлодлар учрашуви”, “Эъзоз”, “Эҳтиром” каби учрашувлар ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири**

ХИТОЙ КИНОСИ: КЕЧА ВА БУГУН

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида Хитой киноси кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Хитой миллий маданий маркази вакиллари, ХХРдан ташриф буюрган меҳмонлар, кино соҳаси ижодкорлари, киношунослар, журналистлар иштирок этди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтadиган тадбирдан кўзланган асосий мақсад – икки мамлакат ўртасидаги фильмлар алмашинувини ташкил этиш, Ўзбекистон ва Хитой киноижодкорларини жалб этган ҳолда, кўшма фильмлар суратга олиш, мультимедия соҳасида ҳамкорлик қилишдир. Шунингдек, Хитойда ҳам ўзбек киноси кунларини ўтказиш ва у ердаги нуфузли халқаро кинофестивалларда ўзбек фильмларининг иштироки учун шарт-шароит яратишдан иборат.

– Ўртимизда Хитой киноси кунлари бўлаётган айни вақтда, Қозоғистонда ўзбек киноси кунлари давом этмоқда, – дейди ҳужжатли фильмлар киностудияси директори Баҳодир Одиллов. – Унда таниқли режиссёрларимиз томонидан суратга олинган, томошабин олқишини қозонган, энг сара фильмлар намойиш қилинаётди. Кино санъати ривож учун бу каби амалий, дўстона ҳаракатлар гоётада муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик кино илҳомландирари учун хитойлик киноижодкорлар томонидан суратга олинган “Пул йўлда югурмоқда” ва “Янги узилган гуллар” фильмлари намойиш этилади.

Инобат АХТОВА

ТУРКИЯДА МАНЗУР БЎЛГАН СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстона муносабатлар маданий-маърифий жабҳаларда ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маълумотига кўра, яқинда Туркиянинг Конья шаҳрида ташкил этилган “Минг нафас – бир овоз” XI Халқаро театрлар фестивалида Самарқанд вилояти мусиқали драма театри вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Театр жамоаси томонидан тақдим этилган “Кўчки” спектакли мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Таниқли ўзбек режиссёри Валижон Умаров томонидан сахналаштирилган мазкур спектаклни Туркия жамоатчилиги вакиллари, маданият ва санъат намояндалари ва театр мухлислари мароқ билан томоша қилди.

Спектакль намойишидан сўнг сўзга чиққан театр соҳаси мутахассислари ўзбекистонлик санъаткорлар муҳаббатига юқори баҳо берди.

Турк ёзувчиси, асар муаллифи Тунжар Жужан ўғли “Кўчки” воқеаларининг айнан шу ўлкада содир бўлганлиги ва Самарқанд театри ижодкорлари фестивалга келиб, спектаклни шу ерда ижро этгани унутилмас таассуротларга бой бўлганини эътироф этди.

Фестиваль ташкилий кўмитаси аъзолари томонидан халқаро анжуманда муваффақиятли иштироки учун Самарқанд театри жамоасига диплом ва статуетка топширилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

Муносабат

ТҲЙЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Барчамизга маълумки, халқимиз меҳмондўст, бағрикенг, инсонпарвар, иймонли ва диёнатлидир. Бу қадриятлар азал-азалдан миллатимизнинг бебаҳо меросига айланган. Бугун ҳам мамлакатимизда миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни теран ўрганиш, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, шунингдек, халқимизнинг урф-одатлари, маросим ва тўйларини халқчил ташкил этишининг янги талабларини давр кўрсатмоқда ва бу йўлда янги тараққиёт босқичига чиқдик, десак бўлади.

Чунки, дабдабали маросимларнинг, ундан кейинги исрофгарчилик, қарзга ботиш каби нохуш ҳолатларга чек қўйиш вақти етганини барчамиз хис этсакда, унга қарши на фикр, на эътироз билдирмасак, бу маросимларни тартибга солишни пайсалга солмас, бу бизга, халқимизга мосми, деган савол тўғилади. Ахир, бир атрофга боқсак, қанча эзгу ва саховатли ишлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизда инсон манфаатлари қай даражада давлат томонидан ҳимоя қилинганлигини кўрсатмоқда ва фаровон турмуш тарзининг янгиланганлиги халқимиз кўнглини шод қилмоқда.

Лекин бир ҳақиқат бор. Бу дабдабали тўйлар ва унинг ташвиши, ортиқча харажатлар, сарпо ва мебель жиҳозлари, тўй кортежи, видео ва суратларни кўз-кўз қилиш, манманлик ва исрофгарчиликка йўл қўйиб, қарзга ботиш, фарзанди тенгқўрларни ичида шарманда бўлмаслиги учун бор-будини аямай сарфлаб, охирига етмаса, яна қарз олиб, тўй ўтказиш кимга керак? Аслида тўй ёшларимиз учун уюштирилган – яхшилик ва эзгулик маросими, гарови бўлиб хизмат қилиши керак. Шу боис ҳам, эзгу ниятлар, тилкалар билдирилди. Янги оиланинг бахтини биз нимагадир ёшларнинг тўйини қандай ўтказиш, яъни қулоғимизга қарзга ботсак-да, обрў талашиб, маҳалла ва тўйхоналарда дабдаба қиламиз. Бугун кимгадир шурхтарастлик, манманлик, дабдабазорлик билан “кимўзар”га тўй ўтказиш, мол-дунёсини кўз-кўз қилиш унчалик кийин иш эмасдир. Аммо ўзини шу юрт фарзанди деб билган мулкдор, бойвачаларимиз тўйда сочадиган сарф-харажатининг оғинасини хайрли иш, эзгу мақсадларга, масалан, бир талабанинг ўқиш контракти тўловига ёки бир кам таъминланган ёш оиланинг уй олишига ёки атрофдаги бева-бечораларга ёрдам бериш, ўзлари яшайдиган маҳалла ва қишлоқларга ичимлик сувини олиб кириш, йўлларни таъмирлаш, кўчаларига электр симёғочи ўрнатиш ёки умуман ободонлаштириш каби эзгу ишларга сарфласалар қандай савобга қолган бўлардилар. Бу эзгу иш тезда кенг жамоатчиликка етса ва бу борада кимўзарлик бўлса, юртимиз янада фаровон, халқимиз хотиржам, эл-юрт олдида обрў-эътиборли кишиларнинг сафи ошарди, деб ўйлайман.

Минг афсуски, орамизда ҳали “Пул меники, мулким меники, топганимни қандай хохласам, шундай сарфлайман”, деб жамоа ҳамда бошқалар билан ҳисоблашмайдиغانлар бор. Тўй-маросимлар ва бошқа оилавий тадбирларни меъёрида, исрофгарчиликсиз, шовқин-суронсиз, ортиқча дабдабазорликларсиз ўтказиш борасида ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларига қачонгача юқоридаги каби йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилиши керак? Ахир халқ орасида, маҳаллада айнан шу раҳбарларнинг ўзлари ҳам яшашади-ку! Ўзлари раҳбарлик қилаётган фуқаролар йиғинлари худудларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқ орасида миллий урф-одат ва удумларнинг замонага мос, ҳар қандай дилхираликлардан холи, ихчам тарзда ўтказилишига нега фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари бош-қош бўлишмаётди?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда “...айрим пул топиб ақл топмаган,

маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топапти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади”, деди. Шунингдек, “Мана, ўзинлар кўряписизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар эллика кирмасдан туриб тўсатдан инсулт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини сурштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очиғини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳолига, балки бутун ҳаётга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда”, деб бу борада амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Шу ўринда мен ҳам зиёли бир инсон, аёл, она сифатида бир қатор мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Аввало маҳалладаги комиссия аъзолари никоҳ куни қатор-қатор машиналарда сайрга чиқишни, ёшларнинг фото ва видеоларларини, миллий қадриятларимизга хос бўлмаган “муҳаббат тарихи” сингари ҳолатларни баръаф татиш бўйича фикр ва таклифини билдириши зарур. Комиссия ваколатига ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни тўйдан олдин тарғиб этиш, келин-куёвнинг оилага тайёргарлиги хусусида фикрнома, хулоса бериш ҳам кириши керак. Ота-оналарга тўйда кераксиз, ортиқча сарф-харажатлар учун солиқ ва ёки жарима тўлаш масаласини қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонун жамоат тартибини, халқ фаровонлигини, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун яратилган.

Дастурхон ҳам ортиқча дабдабасиз камхаражатли, ҳаммабоп тузилиши лозим. Келин томонидан мебель жиҳозларини олиб келиш таққиланса, мақсадга мувофиқ. Ахир, йиғитнинг гурури, шаънига бу мос эмаску...

Тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказиладиган тадбир вақти аниқ белгиланган вақтда ўтказилиши, инсон туғилиши билан боғлиқ барча тадбирларни: бешик тўйи, ўғил тўйи ва ақика каби маросимларни 20-30 нафардан иборат яқин қариндошлар ўртасида ортиқча сарф-харажат ва тоғораларсиз ўтказиш, туғруқхонадан олиб чиқиш тадбирини барча санитар нормаларига риоя этган ҳолда, ортиқча дабдабаларсиз ташкил этиш, унга амал қилмаганларга нисбатан жазо белгилашни лозим, тўйлар билан тартиб-қоидаларга нисбатан белгисиз фуқароларга жарима тариқасида жазо белгилаш керак.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш ўринлики, ҳаммамизни тўйларга етказсин. Зеро, халқимиз ҳаётини тўйсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Орау-истақларимиз фарзандларимиз камоли, бахт-саодати билан боғлиқ. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўқис. Бундай юрда албатта қанча тўй қилсак, ярашади. Фақат унинг меъёри борлигини унутмайлик. Зеро, бир куни увули тутмасин.

**Феруза МУХИТДИНОВА,
юридик фанлари доктори**

ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Таълим тизимининг ислоҳ қилиш жараёнларининг натижаси ўлароқ яна бир хайрли ишга қўл урилди – “Ўзбекистон” нашриётида олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган “Умумий ва анорганик кимё” дарслиги чоп этилди.

Таъкидлаш жоизки, кимё соҳасининг тажрибали мутахассислари – Қудрат Аҳмеров, Рамзиддин Сайфудинов, Садриддин Туробжонов каби профессорлар ва бошқа муаллифлар ҳамкорлигида замон талабларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган ва қайта ишланган ушбу ўқув қўлланмасининг учинчи нашрида муҳим янгиликка қўл урилган – деярли юз эллик йилдан буён амалиётда қўлланб келинаётган Д.Менделеевнинг элементлар даврий жадалининг ЮНЕСКО томонидан ўзгартирилиб, “Кимёвий элементлар системаси” деб жаҳонда қўлланилаётган шакли илк бор мазкур дарсликда ўз аксини топди. Жадалнинг ушбу вариантда бир қатор ўзгартиришлар мавжуд. Жумладан, эндиликда бош (А) ва қўшимча (Б) гуруҳлари чиқарилган бўлиб, аввалги 9 та гуруҳ ўрнига 18 та гуруҳ қабул қилинган. Элементлар сони ҳам 118 тадан иборат бўлиб, жаҳон андозаларига мос келиши учун уларнинг номлари инглиз тилида берилган.

Дарсликнинг IV бобида берилган “Молекула тузилиши ва кимёвий боғланиш” мавзуси янги даврий жадалнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида қўл келади.

Кимё соҳасида Ўзбекистондаги ва жаҳондаги етакчи олимлар фаолияти ҳамда ушбу фаннинг ривожига қўшган ҳиссалари ҳам мазкур ўқув қўлланмасидан ўрин олган.

Шунингдек, дарсликдан муаллифларнинг узок йиллик илмий-педагогик тажрибаларининг махсули ўлароқ турли схема, жадаллар, молекула, атомларнинг ички тузилиши, атмосфера шароитида озон молекуласининг ҳосил бўлиши ва бошқа йўналишлар албатта, талабалар билимининг ошишига хизмат қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан молиялаштирилган ушбу дарслик, Ўзбекистондаги 30 дан ортиқ олий таълим муассасаларига бепул тарзда тарқатилди.

Даврон НУРМАТОВ

БОЛАЖОНЛАРГА ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР БЕРИЛДИ

Аҳоли ўртасида экологик саводхонлик ва маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали атроф-муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлишга кўникма ҳосил қилиш, она табиатга меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш мақсадида “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманидаги 250-сонли “Соғломжон” ва Учтепа туманида жойлашган 608-сонли “Азиз” номли мактабгача таълим муассасаларида “Табиатни биргаликда асрайлик!” мавзусида ўтказилган тадбирлар шўлар жумласидан.

Мазкур муассасаларнинг “Кўёшча”, “Пахтаой”, “Болажон” гуруҳларидаги “Очик дарслар”да ушбу дарс талқини орқали жажжи болажонлар қалбига табиатни севиш, уни асраш каби ҳисларни уйғотишга кўмаклашилди. “Маҳорат дарслар”и шаклида савол-жавоблар ўтказилди, тарбияланувчилар табиатни асрашга алоқадор шеврлар ўқиб беришди ва муслик қиқишлари билан йиғилганларга яхши кайфият улаштиди.

Тарбияланувчилар ўртасида экологик ҳабардорликни ошириш ва ёш авлодининг гигиена қоидаларига риоя қилишига кўмаклашиш мақсадида “ЭКОСАН” фонди ушбу муассасаларга ва тадбирда фаол иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг ижтимоий буюртма лойиҳа доирасида тайёрланган рангли экологик плакатлар сова қилинди.

**Гулноза ДЖАЛИЛОВА,
“ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди
бош мутахассиси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Олмазор тумани РФСМОО мактаби ўқув йиғини маъшулотли давомида спортчиларни сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Олмазор тумани РФСМОО мактаби интернет орқали юритилувчи иш сифатини ошириш мақсадида, интернет тармоғида: Кбит/сек-2048 гача; “Тas-IX” тармоғида Мбит/сек-4 гача тезликда ишловчи интернет провайдерлари ўртасида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“BARAKA OLAM” МЧЖнинг (ИНН 202462083) асосий думалок муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Бог қўчаси, 17-уй, 119-хонадон учун Таждиева Нария Султановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ш., Яшнобод туманидаги 204-ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Стопникий Денис Александрович номига берилган умумий ўрта таълим тўғрисидаги У№ 2889724 рақами шавҳатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР" БАҲСИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ёш чегарачилар" мусобақаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳарбий соҳага оид ва давлат чегаралари тўғрисидаги билимини мустақамлаш, уларда Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга қизиқишни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги мусобақанинг республика босқичига ҳам жамоалар муносиб тайёргарлик билан келди. "Ёшлар пресс-клуби" да мусобақанинг финал босқичи олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бошқа бир қатор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшнлари ҳарбий қисмлари қошида ташкил этилган "Ёш чегарачилар" клуби аъзоларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2011 йилда мусобақага мамлакатимиз бўйлаб 1530 нафар иштирокчи қатнашган

бўлса бугун уларнинг сони 30 мингдан ошди.

Бу йилги республика финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган саралаш босқичларида голибликни кўлга киритган 13 жамоа иштирок этади.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги қонунни билиш даражаси, чегарачи-жангчилар ҳақидаги "Унутилмас ёрқин юлдузлар" китоби билимдони, турли ҳарбий-амалий кўникмалар бўйича баҳслашади. Президентимиз асарлари билимдони, инглиз тили билимдони каби йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар аниқланади.

Мазкур финал босқичининг тақдирлаш маросими пойтахтимиздаги Ёшлар оид саройида тантанали равишда ўтказилади.

Нурилло НАСРИЕВ



Мусобақалар

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ

"Бунёдкор" спорт мажмуасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг Чилонзор туман босқичи ҳамда голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақа Чилонзор туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман мудофаа ишлари бўлими ва вилоятларда ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилиб, уни ўтказишдан кўзланган мақсад ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топишига кўмаклашиш, ёшларга мардлик, қатъиятликни, куч-ғайрат, интизомни ўргатишдан иборатдир.

Мазкур мусобақанинг туман босқичида 1300 дан ортиқ ёш фаол иштирок этиб, ўзларининг билим ва шижоатини намойён этишди.

Иштирокчилар мерганлик баҳси, турникка тортиш, 1000 метр масофага югуриш, граната улоқтириш каби ўндан ортиқ турларда беллашиш орқали таълим муассасасида чақириқча ҳарбий тайёргарлик юзасидан олган билимларини амалиётда синаб кўрдилар.

— Бир неча йиллардан буён ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида мазкур мусобақа ўтказиб келинади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. —

Баҳсларда ёшларимизнинг эпчиллик ва чақонлик билан иштирок этишлари бугунги кунда туманимиздаги ўрта махсус ўқув юрталарида тахсил олаётган 16-17 ёшдаги фарзандларимизни ҳар томонлама жисмонан соғлом, ақдан тевран бўлиб вояга етаётганликларидан далолатдир. Мусобақанинг туман босқичида ўйил болалар билан бир қаторда қизларнинг ҳам фаол иштирок этиши соғлом турмуш тарғиботининг натижаси албатта.

Мусобақалар якунига кўра 1-ўрин 2-Тошкент юридик коллежи, 2-ўрин Чилонзор тиббиёт коллежи, 3-ўрин Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи жамоаларига насиб этди.

Голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Яқунда Қуролли Кучлар ашула ва ракс ансамбли, ҳарбий хизматчилар, "Турон" жанг санъати тўғраги аъзолари ва тумандаги 534-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан кўргазмалли чиқишлар намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ПЕШҚАДАМ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 7-турида турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган "Бунёдкор" командаси мағлубиятга учради.

Муросасиз беллашувлар натижасида ушбу турдан сўнг турнир жадвалида ҳам ўзгаришлар юз берди. Бемалол айтиш жоизки, ушбу турнирнинг марказий учрашуви Наманганда "Навбахор" ҳамда "Бунёдкор" жамоалари ўртасидаги ўйинда кузатилди. Ўз майдонларида доим етакчи клубларга муносиб қаршилик кўрсата оладиган наманганлик чарм тўп усталари Миржалол Қосимов шоғирдларини муросасиз, шиддатли беллашувда 2:1 ҳисобида мағлуб эта олишди. Очиғини айтсак, биринчи голни мезбонлар дарвозасига 14-дақиқада Рустам Ашур-

матов киритган бўлсада, кейинчалик тошкентликлар ўз дарвозаларидан иккита гол ўтказиб юборишди. Голларга Н.Иняц ва Ж.Меҳмонов муаллифлик қилишди.

Ушбу тур турнир жадвалида "Бунёдкор"ни изма-из таъкиб қилиб келаётган "Пахтакор" га омад келтирди. Бекободларда "Металлург" меҳмони бўлган пахтакорчилар рақибларидан устун келишди ва ўйинни 5:0 ҳисобида ўз фойдаларига жал этишди. Шу кунги стадионга келган муҳлислар И.Гонсалвеш (2та), Д.Раҳматуллаев, Ж.Машарипов ва Ж.Яхшибоев томонидан киритилган голлар-

нинг гувоҳи бўлишди.

Қолган баҳсларда куйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" – АГМК – 4:2, "Қизилқум" – "Нефтчи" – 1:0, "Қўқон – 1912" – "Насаф" – 0:0, "Локомотив" – "Сўғдиёна" – 2:0.

Еттинчи турдан сўнг ҳамон "Бунёдкор" 16 очко билан турнир жалвалида карвонбошилиқ қилаётган бўлса, 2,3-ўринларда бораётган "Пахтакор" ва "Бухоро" жамоаларида 15 тадан очко мавжуд. "Сўғдиёна" ва "Нефтчи" жамоалари ҳамон турнир жадвалининг энг куйи поғоналарини банд этиб туришибди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Даврон Мамараҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1992 йили Фарғона вилоятида туғилган. Олий маълумотли. У ўқишни битиргач, Сергели тумани Бинолардан фойдаланиш департаментининг Уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимида иш ўрганувчи сифатида ишлаб турган эди. Ишга кирганига ҳали кўп бўлмасдан пул олди-бердисига аралашиб қолди.

Хабарингиз бор, Сергели туманида янги кўп квартиралли уй-жойлар қурилиши бошланиб, муҳтожларга, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга уйлар берилди. Ана шу пайтлари уй-жой бўлимига кўплаб фуқаролар мурожаат қилиб келгани ҳам рост.

Ана шундай кунларнинг бирида Д.Мамараҳимов хузурига Маҳмуд Алиев таниши Сарвар Салимов билан биргаликда кириб келди. Сарвар Учтепа тумани ҳокимиятига Сергелидан янги уй олиш учун ҳужжатларини топширганини айтди.

— Учтепа туманига ҳужжат топширган бўлсангиз, ўзлари чақиринишади, — деди Д.Мамараҳимов. — Фақат мен навбатингиз нечанчи эканлигини билиб беришим мумкин.

Шунда Сарвар Салимов: — Мени навбатим ҳали-вери келмаса керак, бир йилдан буён ҳеч ким чақирмайди. Ушбу навбатни тезлаштириб беришнинг иложи борми? Агар тезлаштирсангиз раҳмати бор, — деб таклиф қилди.

— Майли, қизиқиб кўраман, — деди Д.Мамараҳимов.

С.Салимов унинг қўл телефони рақамини олиб, "хабарлашиб тураман", деганидан сўнг чиқиб кетишди.

Даврон бу масала билан қизиқиб, Учтепа тумани ҳокимиятига борди. Уй-жой бўлимида ишловчи Матлуба Яндашевадан С.Салимовларнинг навбати қачон қолганини, шу йилнинг ўзида комиссияга киритилишини аниқлади. Ҳокимиятдан чиқиб, С.Салимовга кўнгирак қилди.

— Янгилик бор, ака, навбатингиз яқинлашиб қолибди, — деди. — Олдингизга ўтайми? — Майли, агар келсангиз мен ишхонада бўламан.

Шу кунги Сарвар Давронга учрамади. Эртаси кун, яъни 4 декабрь соат 10:00 ларда Маҳмуд аканинг телефонидан Сарвар Дав-

Жиноят жазосиз қолмайди

ҲАЛОЛЛИКНИ КАСБ ҚИЛИНГ

ронга телефон қилиб, олдига ўтишини билдирди.

Туш маҳали Сарвар келишганини билдирди. 15 дақиқаларда Даврон кўчага чиқди. Маҳмуд ва Сарвар "Матиз" машинасида уни кутиб ўтиришган экан. Маҳмуд машинадан чиқиб, олд ўриндиққа Давронни таклиф қилди. Даврон ўриндиққа жойлашиб олди.

— Навбатингиз келиб қолибди, биринчи бўлиб комиссияга кирсангиз керак, — деди Даврон. Улар бир оз гаплашиб туришди.

Шунда Сарвар Салимов эғнидаги курткаси чўнтагиндан Давронга пул узатди. Даврон пулни олиб, санай бошлади. Шу пайт бу ерга ички ишлар ходимлари келиб, Давроннинг қўлидаги пулни ҳолислар иштирокида олишди. Бу 3000 АҚШ долларни эди.

Д.Мамараҳимовга Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексининг 168-моддаси қатор бандлари билан айблов эълон қилинди. Ушбу иш жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди.

Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, ҳукм эълон қилди. Тергов даврида Маҳмуд Алиевнинг октябрь ойининг охирида Д.Мамараҳимовга учраб, 4 минг доллар бериши билан боғлиқ эпизод ўз исботини топмади.

Суд Д.Мамараҳимовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28. 211-моддаси, 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди. Судланувчи Д.Мамараҳимовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, суд жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига қисман икор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноят оқибатида ҳеч кимга моддий зарар етказмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Шоберди МФЙ раиси томонидан унинг ҳулқини қайта тарбиялаш учун маҳалла

қайта тарбиялаш учун маҳалла хати берилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган ҳулосага келди.

Д.Мамараҳимовга ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Халқимизда "Қилмиш – қидирмиш" деб бежиз айтишмайди. Ҳар бир ўз вазифасини суистеъмол қилган шахс мана шундай жазосини тортади.

М.КҮКИЕВ, жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди судьяси

"101"

МАҚСАДИМИЗ ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ёш хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифаси энг аввало, уларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш орқали ёшларнинг сонини камайтиришдан иборат.

Ҳафтанинг чоршанба кунини "Ёшлар профилактикаси кунини" деб эълон қилиниши юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу талабларни бажариш мақсадида Ёш хавфсизлиги хизмати ходимлари ёшларнинг олдини олиш борасида доимий равишда хонадонлар, кўп қаватли уйлари бўлиб, "тилсиз ёш"га сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкорликда бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг муҳими эса, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

"Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Алтин УРАЛОВ, 27-ХЕҲК смена бошлиғи, катта сержант

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ёшнингизни ўқиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида мувофиқ" ширинга амал қилиб назоратни кучайтирсак, бир ёқадан бош чиқариб ёш хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, "тилсиз ёш"ни жинговлагани, ўзининг ва атрофидоғиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.